УзССР давлат китоб палатаси

. АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

1995 йил, 13 май, № 6

Шанба кунлари чиқади ● Сотувда эркин нархда

БУЮК ҒАЛАБА ТАНТАНАЛАРИ

8 май куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг пойтахтига ташриф буюрди.

Инсониятни фашизм тажовузидан озод этишда унлаб мамлакатлар, миллатлар вакиллари жон олиб, жон бериб курашдилар. Буюк Ғалаба бутун инсониятнинг улкан ютугига айланди. Шу боис МДҲга аъзо давлатлар, Европа ва Америка қитъасидаги, жами 50 дан ошиқ мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари буюк Ғалаба тантаналарида иштирок этиш учун Москвага келдилар.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Қизил майдондаги «Номаълум аскар» қабрига гулчамбар қўйди, урушда қурбон бўлганларнинг руҳини ёд этди. Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида 400 мингдан зиёд Узбекистонлик аскар ҳалок бўлди. Уруш йиллари эса Узбекистонлик 1 миллион 400 минг юртдошларимиз фронтга сафарбар қилинган эди. Ислом Каримов Москва сафари арафасида таъкидлаганидек, урушда ҳалок бўлган ватандошларимиз хотираси қалбимизда абадий қолади, Ғалаба учун курашганлар, фронт ортида уруш азобини тортганлар ҳамиша ардоғимизда бўлади.

9 май куни Қизил майдонда Ғалабага бағишланган тантаналар бошланди. Узбекистон Президенти Ислом Каримов кўплаб давлатлар раҳбарлари қаторида фахрийлар парадида иштирок этди.

Майдондан урушда жонбозлик кўрсатган, Ғалабадан кўкси ифтихорга тўлган фахрийлар саф тортиб ўтдилар. Улар орасида унлаб Узбекистонлик собиқ жангчилар ҳам бор эди. Шу уринда мамлакатимиз ҳукумати Узбекистонлик уруш фахрийларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини эслаш жоиздир. Зеро, уларнинг ватан олдидаги хизматлари беқиёс. Урушда кўрсатган жасоратлари учун 170 мингдан ортиқ Узбекистонлик жангчи орден ва медаллар билан мукофотланган. Шуларнинг 338 нафари Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган.

Ислом Каримов Москвада бўлган ҳарбий парадда ҳам иштирок этди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов 9 май куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

Саҳифаларимизда ўқийсиз

2-бет.
● Қабристонда қўй боққанлар...
● Кинотеатрларда нега одам йўқ?
3-бет.
● Кимлар моддий ёрдамга муҳтож?
● Ойнаи жаҳонда.
4-бет.
● Ёлғизликни орзу қилманг.
● Ўғирлик ош баданга юқмас.

ҲАФТАНИНҒ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● 12 май куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ва Урта Осиё архиепископи ҳазрат Владимирни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

● Чирчиқ шаҳри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шаҳар меҳнаткашларига табрик йўллади.

● Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, халқ хўжалиги тармоқларидаги фидокорона хизмати ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун Чирчиқ шаҳри меҳнаткашларидан бир гуруҳи Президент Фармонига биноан фахрий унвонларга сазовор бўлдилар ва Фахрий ёрлиқ билан мукофотландилар.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

● 8 май куни республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлди.

● Ватанимизда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг шонли 50 йиллиги муносабати билан Тошкентдаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашдилар.

● Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатганлиги учун Баҳром Ибрагимов (марҳум) Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

● Президентимиз Фармонига кўра Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг раиси Зафар Омонович Файзиевга «Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берилди.

● Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашиб, уларни Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ иккинчи сессияси якунлари билан таништирди.

● Бутун Ислом оламида катта байрам — муқаддас Қурбон ҳайити мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди.

● Марказий банк 1995 йил 12 майдан бошлаб Узбекистон Республикасининг махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 26,50 сўм

— сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари 26,50 сўм.

● Партия ахбороти

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Кеча Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳайъатининг йиғилиши бўлди.

Унда Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг парламентдаги фракцияси бошлиғи Анвар Жўрабоев Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси якунлари ва Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида нутқ сўзлади.

— Мустақилликдан кейинги ўтаётган сессияларнинг ҳаммаси тарихийдир,— деди маърузачи.— Лекин Олий Мажлиснинг кейинги икки сессияси қабул қилган қарорлари ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ўрин тутади. Сессия жуда юқори савияда ўтди. Кўрилган масалалар, қабул қилинган қарорлар тоғ ҳаётийдир. Президентимиз ҳам ўз маърузасида долзарб масалалар устида тухталиб ўтдилар. Бўлиб ўтган Референдум Президентимиз ва ҳукуматнинг олиб бораётган ишларига баҳо бериш учун яна бир имконият яратди. Халқ мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни, туб ислоҳотларни тўғри баҳолади ва Президентимизга катта ишонч билдириб, унинг ваколатлари муддатларини 2000 йилгача чўзиш учун яқдиллик билан овоз берди. Референдум Конституцияга мувофиқ ўтказилди. Сайловчиларнинг 99,6 фоизи Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш учун яқдиллик билан овоз берди.

Президентнинг «ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади», деган гаплари қанчалик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Олимлар, ёзувчилар, тадбиркорлар, санъаткорлар ўзаро ҳамкорлик қилсалар, улар бир-бирини бойитадилар, ўзаро тажриба алмашадилар, меҳр кўзда деганларидек, меҳр-оқибат кучаяди, ўзаро маданий алоқалар ривож топади. Биз Президентимиз айтганидек, бир чинормиз, унинг беш шохи бор, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Барча муносабатларимиз ўзаро тенглик асосида қурилмоғи керак.

Маруза юзасидан Сиёсий Кенгаш ҳайъати аъзолари — Тошкент Давлат университетининг ректори Тухтамурод Жўраев, «Узбекнефть» корпорацияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акбархўжа Раҳимов, Урта ва кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармасининг бош директори Дилшод Камолов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳайъати сессия материаллари юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Шунингдек, йиғилишда партия ҳаётига ва ҳужжатларига оид масалалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов иштирок этди.

● Дилдаги гаплар

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ— ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Маълумки, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида сайланди. Бу эса халқаро майдонда маърифатли дунё амал қилаётган демократик тартибларнинг республикамизда ҳам тўла амалга оширилаётганини кўрсатиб турибди.

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам Олий Мажлисда ўз фракциясига эга. «Адолат» партиясидан сайланган депутатлар қўмиталар, комиссиялар, Олий Мажлис йиғилишлари, сессияларда фаол иштирок этмоқдалар. Мухбиримиз Олий Мажлис иккинчи сессияси ишида қатнашган депутатлар билан учрашиб, суҳбатлашди.

Шуҳрат ЮСУПОВ,
«УзДЭУавто» қўшма корхонаси директори,
Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси:

— Бизнинг партиядан сайланган депутатларимиз Олий Мажлис ишида фаоллик кўрсатмоқдалар, десам муболаға бўлмайди. Мана масалан, иккинчи сессиядан олдин 24 кишидан иборат иқтисодий ислоҳатлар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда саноатчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари, иқтисодчилар, ҳокимлар иштирок этдилар. Молия ва банк ишлари йўналишида йиғилиб қолган қатор муаммолар муҳокама қилинди, аниқ ва лўнда фикрлар айтилди. Буларнинг ҳаммаси келгусида молия ва банк ишлари тизимини ихчамлаштиришга, операцияларни тез ва соз бажаришга хизмат қилади.

Очиғини айтиш керак, биз демократик тизимга асосланган ҳуқуқий давлат қуришда анча дадил қадам ташладик. Мен парламентимизнинг ўзига хос тарзда шаклланаётганидан хурсандман. Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида муҳокама этилган масалаларнинг ҳаммаси Ватанимиз келажаги, равнақи, истиқболи учун хизмат қилади. Биз депутатлар олдимизга қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга йўғрилганмиз. Зеро, Олий Мажлис депутати қайси сиёсий партияга мансублигидан қатъий назар, ҳар бир масалани муҳокама қилиш чоғида, унга, Ватан ва халқ манфаати нуқтаи-назаридан холис ёндошса барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик сари қўйган ҳар бир қадамимиз шунчалик мустаҳкам бўлади.

Содиқжон ҚОСИМОВ,
Тошкент Давлат техника университети проректори,
Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси:

— Авваламбор ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини адолат ва ҳақиқат мезони қамраб олаётгани мени гоят қувонтиради. Бизнинг Олий Мажлисдаги фракциямиз аъзоларининг ҳам депутатлик фаолияти ана шу олийжаноб мезонлар билан йўғрилган. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ҳам одилона қарор ва қонунлар ишлаб чиқди ва қабул қилди деб ўйлайман.

Президентимиз ўз маърузаларида ажойиб бир фикрни айтдилар: «Биз она Узбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни отабоболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз лозим.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин».

Жуда ҳақ гап. «Адолат» социал-демократик партияси Дастури ҳам худди шундай ғоялар билан йўғрилган ва ҳамоҳангдир. Биз келажак авлод тарбиясига шу нуқтаи-назардан қарамоғимиз лозим. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратиш учун курашмоғимиз, ёниб ишламоғимиз керак. Бизларнинг зиммамизда ана шундай улкан масъулият етибди.

Суҳбатни Ҳикматуллоҳ ҚОДИР ёзиб олди.

● ДИҚҚАТ! ОБУНА!

«АДОЛАТ»

СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Узбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Бош нашри —

«АДОЛАТ» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА

1995 йилнинг иккинчи ярми учун

1 ИЮНДАН ОБУНА БОШЛАНДИ.

«АДОЛАТ» газетаси ҳафтада бир марта, шанба кунлари чиқади.

Унинг ярим йиллик ОБУНА БАҲОСИ қуйидагича:

— шахсий обуначиларга 6 ойга — 56 сўм.
Индекс — 64597.

— корхоналар ва ташкилотлар учун 6 ойга — 83 сўм.
Индекс — 64598.

Сиз «АДОЛАТ» газетасига истаган почта ва алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

● Луқма

ШИОР ЯХШИ-Ю, АММО...



Ҳар бир жойда ўша жамоанинг ўзига яраша жонкуяр одамлари бўлади. Андижон механика заводида ҳам бундай кишилар кўп. Гидравлик домкратлар ишлаб чиқариш бригадири Орифжон Назаров, йиғувчилар Леонид Коваль, Альфред Бекматов, токарь Абдурашид Ҳакимжонов, вагон таъмирлаш цехи ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Аҳмаджон Холиқжонов, уста Туланбой Қўшоқов шулар жумласидандир. Завод аҳли улар билан ҳақли равишда фахрланади. Бироқ ёш ишчи-кадрлар тайёрлаш ана шундай мураббийларнинг, қолаверса завод раҳбариятининг биринчи галдаги вазифасидир. Кадрлар ҳар қандай жамиятда ва шароитда ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб қолган. Аммо бугунги кунда заводда ишчи кучи етишмаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Умуман, заводда 535 ишчи-хизматчи меҳнат қилади, улардан 512 нафари муқим ишловчилар бўлиб, 20—25 одам келиб-кетиб, яъни тез-тез алмашиб турар экан. Бироқ, заводга бугунги кун ишлаб чиқариш талаби бўйича 800 нафар ишчи керак. «Негадир одамлар «ҳа» деганда заводга ишга келмаяптилар», — деб нолиди завод раҳбарларидан бири.

Хўш, нега шундай? Энди бу ҳақда чўқурроқ ўйлаб кўрилса бўларди. Чунки ҳозирги шароитда иш излаб юрган одамларга, ишларга дуч келасиз. Андижонда ҳам аҳвол шундай... Лекин бу ерга улар ишга келишмаяпти. Яна, нега? — деган савол туғилади. Бу саволга ким ҳаққоний жавоб беради? Бу муаммони қандай ечиш мумкин?

Ишчиларнинг 1994 йилнинг декабрь ойидаги маоши 483 сўмни ташкил этибди. Хўш, бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг эркинлашуви шароитида бу маош оила ҳаражатларини қоплай оладими? Балки ишчи ўринлари тўлмаётганлигининг сабабини шу ердан қидириш керакдир...

Тўғри, 1994 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилга нисбатан ўсибди, режа 143 фоизга бажарилибди, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 350 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 157 фоизга ошириб бажарилибди. Соф фойда эса 830 минг сўмни ташкил қилибди. Бу эса Андижон механика заводидек катта бир жамоа учун оздир.

Биз заводда бўлганимизда директор Валерий Иванович Брежневнинг хонасидаги ушбу ёзувларга кўзимиз тушди:

Рози бўлмасанг, рад қил!
Рад қилиб, таклиф қил!
Таклиф қилиб бажар!
Бажармасанг, жавоб бер!

Яхши гаплар, айни ишлашга ундовчи, ишлаганда ҳам ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб мулоҳаза билан ишлашга ундовчи сўзлар. Аммо ишчи кадрлар етишмаслиги, кадрлар қунимсизлиги учун ким жавоб беради, жаноб В.И. Брежнев?!

Биз завод жамоасига 1995 йил режаларини бажарилишида айни юқорида айтилганидек ғайрат билан ишлашларига омад тилаймиз. Режалар бажарилса, кўзланган даромадга ҳам эришилади. Бундан эса энг аввало завод жамоаси манфаат кўради. Шунда йўл-йўлакай юзага қалқиб чиқаётган муаммолар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади, аммо бунинг учун сафлар тўла бўлиши, ҳамма ўз ишини, ўз бурчини сидқидилдан адо этиши керак. Шундай эмасми? Қуруқ шиор билан иш битмайди-ку?

Адҳам ДАМИНОВ,
«Адолат»нинг жамоатчи мухбири.

СУРАТЛАРДА: заводнинг ҳайҳотдай цехларида «бир киши ҳамма учун» шиори қарор топгандай кўринади. Аммо цехлар қачон одамларга тўлиб-тошиб, гуриллаб ишлайди? Ҳозирча бу номаълум!

• Тадбиркорга омад ёр

МЕҲНАТСИЗ РОҲАТ ЙЎҚ

Бир дарахтдаги барглар бир бирига ўхшагани билан бир бирининг айнан нусхаси эмас. Одам боласи ҳам шундай: феъл-атвори, табиати, қизиқиши, ақл-идроки билан ажралиб туради. Баъзилар бир ишнинг бошини тутдими, уни охирига етказмагунча қўймайди. Мақсадга етишиш учун ўйланади, изланади, меҳнат қилади. Бошқалар юрмаган йўллардан юриб, янгиликлар, кашфиётлар яратади. Ўз касбининг устаси билимдони бўлиб етишади.

Айримлар эса беш, ўн кишига қўшилдими, қисқа вақтдаёқ уларнинг бошини қовуштира олади. Бирор тўхтамга келилмаётган бўлса, дарров асосли фикрлар, далиллар асосида тушунтиради. Бундайлар ташкилотчи дейилади. Улар асли раҳбарлик учун туғилганлар, яъни кўпчиликка бош бўлиш уларга йўргакда теккан.

Жиззах вилоятидаги Пахтакор пахта тозалаш заводи директори Фозил Худойқулов асли шундай кишилардан. Яхши мутахассис, моҳир ташкилотчи бўлган бу инсон заводга раҳбар бўлиб келди-ю, тез орада одамлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Уларнинг оиласи, туриш-турмуши, иши, дам олишини ўрганди. Яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам улар билан бирга бўлди. Фалончи раҳбар, фалончи оддий ишчи, деб ажратмади, ҳаммага бирдай муомилада бўлди.

Одамлар тез орада унинг камтарлиги, тўғри сўзлиги, энг асосийси ҳалолиги учун ёқтириб қолдилар. Ҳузурига бемалол кириб, ўз қувончи ва дардини айтадиган бўлишди. Фозил ака эса одамлар ишончи бу ишнинг бошланиши эканлигини яхши биларди. Шунинг учун завод жамоасидан илгариги раҳбарлардек фақат режа, иш талаб қилмай, уларга шароит яратишга ҳаракат қиларди.

Одамлар баъзи раҳбарлар ўйлаганидек оми, қаерга етакласа кетаверадиган, нима деса қилаверадиган тўда эмас. Унинг босаётган ҳар бир қадами, айтаётган ҳар бир сўзини ақл тарозусидан ўтказиб туради. Яхши бўлса меҳр қўяди. Буюрганини бажаради. Аксинча бўлса қўл учида ишлаб, даромадни бошқа ердан ахтаради. Баъзида ўйлаб қоламан. Йил сайин иқтисоди орқага кетаётган, қарзга ботиб бораётган корхоналар раҳбарларининг нўноқлиги, меҳнаткашлар турмушига лоқайдлиги, бурнидан нарини кўра билмаслигида эмасмикин?

Очиғи, айрим тадбиркор, ташаббускорларнинг одамларни ортидан эргаштираётганини, ишончини қозанаётганини, шароит оғирлигига қарамай тараққиёт сари дадил одимлаётганини кўрганда қувониб кетаман. Улар бор экан ишимиз юришаверади. Бунга Фозил Худойқуловнинг фаолияти яққол мисол бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, Фозил ака фидойилик қилиб, вақтида одамларнинг бошини қовуштириб, катта, аҳил, ҳалол, меҳнаткаш жамоани қарор топтирди. У бошлиқ пахта заводи фақат вилоятдагина эмас, балки бутун республикага донг таратган. Жамоанинг ибратли ишлари тилларда достон бўлди. Уларнинг тажрибаси, иш усулини ўргангани турдош корхоналардан келаётган ишчилар, мутахассисларнинг оёғи узилмай қолди.

Фалокат оёқ остида деганларидек, жамоа одимни каттароқ олаётган, янги-янги фойдали режаларни собитлик билан амалга ошираётган бир пайтда Гдлян ва Ивановларнинг «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган уйдирмаларининг қабохати уларга ҳам етиб келди.

Пахта қабул қилинадиган, қайта ишланадиган жойда албатта қинғирлик бор, деган нотўғри ақида ишчан раҳбар Фозил Худойқуловнинг бошига балолар ёғдирди. Уни сохта айибномалар асосида қамаб юборишди. Лекин яхшиямки халқимиз пешонасига Ислом Каримовдек ҳақгўй, адолатпарвар, элим деб, юртим деб яшайдиган комил инсон юртбоши бўлиши ёзилган экан. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ноҳақ азоб чеккан қанчадан-қанча етук мутахассислар, ташкилотчи раҳбарлар ўз уйларига, севган касбларига қайтдилар. Уларнинг кўплари билан шахсан мулоқотда бўлганимизда ҳаммалари юртбошимиздан бир умр миннатдорликлари, у бошлаган эзгу ишларни рўёбга чиқаришга ҳамиша тайёр эканликларини чин дилдан айтишган.

Фозил Худойқулов ҳам қайтгач, унга турли ишларни, лавозимларни таклиф қилишди. Лекин қадрдон жамоасига шундай ўрганиб қолган экан-ки, ўзини улардан айри тасаввур қилолмасди. Шунинг учун таклифларга бирор жўяли жавоб айтолмасди. Бу орада завод ишчилари уни ўзларига яна директор этишни сўраб туман раҳбарларига мурожаат этишибди.

Фозил акани чақириб шу гапни айтишганда унинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Хайрият, одамлар унитишмабди, улар билан тоғни ағдарса бўлади, ишончингни албатта оқлайди, деб юборди қалби ғурурга тўлиб. Жамоа ўзининг қадрдони эмасми, тезда ишлар юришиб кетди. Бузилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган техникага эҳтиёт қисмлар топиш учун елиб-югурди. Ишчиларнинг шароити, иссиқ-совуғини яхшилашга вақт аямади. Одамлар ҳам қараб туришмади. Келажакка, раҳбарга ишонган ҳолда меҳнат қилдилар. Ишлар аста-секин жонлана бошлади.

1993-1994 йилларда заводда 60 минг тонна пахта қайта ишланди. Унумдорлигини ошириш, исрофгарчилик ва ортиқча сарф-ҳаражатларни камайтириш ҳисобига мўмай даромад олинди. Унинг бир қисми одамлар турмуш ва иш шароитини яхшилашга сарфланди. Ишчилар даромади ошди.

Пахтакорлик пахта тозаловчилар ўтган йили ҳосилни қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрганликлари туфайли даладан келтирилган хом ашё ўз вақтида қабул қилиниб, саранжомлаб олинди. Айни кунларда цехларда иш қизғин. Агрегатлар унумли ишлатилиб, фақат сифатли тола олинмоқда. Барча жарёнлардаги ишлар кўнгилдагидек ташкил этилганлиги туфайли тола чиқариш юқори бўлмоқда. Завод жамоасининг меҳнатидан пахтакорлар айниқса мамнун, тайёрланган чигит юқори сифатли бўлганлиги учун ҳам бу ердан уруғлик олган барча хўжаликлар далаларида ғўзалар бир текис униб чиқди.

— Собиқ Иттифоқ даврида қўл-оёқларимиз кўринмас иплар билан боғлаб ташланганди, — дейди Фозил ака биз билан суҳбатда. — Мана қаранг, ўзимизда етиштирилган пахтанинг толасини ажратиб, жўнатардию, фойдасини бошқа республикалардаги тўқимачилик корхоналари, тикувчилик фабрикалари кўришарди. Биз эса бўлоқ бошида сувга ташна бўлиб, қоларардик. Яна собиқ марказдаги айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистонга бунча миллиард сўм ёрдам бераяпмиз, деб вайсашларини айтмайсизми...

Юртбошимизнинг ташаббуси билан энди пахтамизни ўзимиз қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот тайёрлаб фойдасини ўзимиз кўриш имкониятига эга бўляпмиз. Режаларимиз амалий ишлар билан мустаҳкамланяпти. Ҳозир завод қошида йилига 250-300 тонна ип ишлаб чиқарадиган ип йигирув фабрикаси қурилиши тугалланиш арафасида. У ишга тушгач, 400 кишини иш билан банд қилиш мумкин.

Маълумки, ҳозир толамиз кўпроқ воситачилар орқали сотиляпти. Бунинг боиси бор. Сабаби, хом ашёни истеъмолчига йил бўйи сотиш учун уни сақлайдиган жойлар жуда кам. Шунинг учун воситачилар уни олиб, сақлаб, харидоргир пайтда сотадилар. Бунга йўл қўймаслик учун, жойларда хусусан туманимизда катта омборхона қурилмоқда. Бироқ қурилишнинг бориши суст. Уни тезлатсак, фақат фойда кўрамиз. Биз келгусида тўқимачилик ва тайёр кийим-бош тикадиган корхоналар қуришни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Фақат шу йўл билангина иқтисодимизни юксалтиришимиз мумкин.

Ҳа, Фозил Худойқулов фақат ўз жамоаси доирасида эмас мамлакат миқёсида фикрлайдиган, эл фаровонлиги, Ватан равнақини ўйлайдиган, бу йўлда хормай-толмай елиб югурадиган инсон. Шундайлар бор экан, истиқболимиз порлоқ бўлаверади.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат»нинг
жамоатчи мухбири.

• Тарбия — келажак меваси

«ҚАБРИСТОНДА ҚЎЙ БОҚҚАН...»

Қонун устивор бўлган юртда халқ осойишта, фаровон умр кечиради. Бир замонлар улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг давлат тутиш тизими, чиқарган барча қонунлари ғоят одиллиги билан ажралиб турган.

Миллатимизнинг ғурури ва фахри бўлган буюк соҳибқиронни бежиз эсламадик. Чунки бугунги истиқлол замонига келиб қабул қилинаётган одил қонун-қарорлар ҳам бобомиз тутган халқпарварликка ҳамоҳангдек. Табиийки, ёш ниҳолни тарбиялаб, уни вояга етказиб, мева очгунича боғбон озмунча меҳнат қилмайди. Тиббиёт илмининг даҳоси Ибн Сино уч ойлик гўдакни тарбия вақтидан ўтибди, уч кунлигидан тарбия зарур эди, деб бежиз эътироф этмаганлар.

Биз сўзимизни бекорга қонуну ёш ниҳоллардан бошламадик. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармасининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш нозирлари томонидан успиринлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Келинг, яхшиси туман балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Имомат РУЗИМЕТОВнинг сўзларини эшитайлик:

— Яқинда пойтахтимиздаги III-мактабда ҳокимият қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги ва Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда сайёр йиғилиш ўтказилди. Унда бешта маҳалланинг оқсоқолраислари ҳам иштирок этдилар. Бундан кўзланган мақсад нима эди? Мақсад, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш. Мен шу соҳанинг кўп йиллик тажрибали ходими сифатида шуни таъкидламоқчиманки, аксарият ноҳуш ҳолларнинг асосий илдизлари ёшларимизнинг, болаларимизнинг ахлоқ-одоб бобида бефарқлиги ва аксарият масалаларга лоқайдларча муносабатда булаётганидадир. Гапим қуруқ бўлмасин. Далил келтирай: шу йилнинг 7 февралида тахминан соат 12 ларда мазкур мактабнинг 8-синф ўқувчиси, келинг, исми-шарифини айтмайин, «Чигатой» қабристонида қўй боқкан. Бетонларни синдириб, ўт-ўланларни топтаган. Бундай ўйлаб қарасангиз, бу даҳшат-ку! Бизнинг ота-боболаримиз қабристон ёнидан ўтишаётганда бир фурсат тўхташиб, марҳумлар ҳақига тиловот ўқиб ўтишган. Қабристон — энг муқаддас жой, деб келинган-ку ахир! У ерга кириб қўй боқиш у ёқда турсин, зарурат туғилса ҳатто қабрнинг бошига бориб, авайлаб қадам босилади.

Бу ҳол 17 апрель куни ҳам шу мактабнинг яна бир ўқувчиси томонидан такрорланган. Кўряпсизми, фарзандларимизнинг ота-боболаримиз дафн этилган азиз жойларга, урф-одатга бўлган муносабатини? Биз келажакда бундай қаҳри қаттиқ болалардан нима ҳам кутишимиз мумкин? Агар жамоат жим тураверса, улар бошқа хунук ишларга ҳам қўл уришдан тоймайдилар. Ахир ўзлигини, авлодини топтаган кишидан ҳамма нарсани кутиш мумкин-да! Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши. Бола-ку бола экан, ота-оналарнинг кўзи қаёқда ўзи? Ҳали уларнинг кўзи очиқ-ку! Наҳотки, уларга ҳам барибир бўлса? Бундай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эмасми?

Хуллас, гапни мухтасар қилсам, юқоридаги тадбирнинг ўтказилиши айни кунгилдагидек иш бўлди. Биз бутун ўқувчилар, ота-оналарни йиғиб шу масалани муҳокама қилдик. Тушунтириш ишларини олиб бордик.

— Балоғатга етмаган ёшлар ўртасида яна қандай жиноятлар содир этилмоқда?

—Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, кўп ҳолларда ғиргирлик! Яъни, бизнинг «тилимизда» ўзгалар мулкига кўз олайтириш ва талон-тарож қилиш. Бу нимадан келиб чиқади? Етишмовчиликданми? Йўқ. Бунинг асосий сабаби—бекорчилик. Сурункали ўқишга бормаслик, меҳнатдан бўйин товлаш. Масалан, 1995 йилнинг 4 ойи мобайнида ҳуқуқбузарлиги учун балоғатга етмаганлардан 450 нафари ушланди. Шундан 50 фоизини майда ғиргирликлар, шу жумладан спиртли ичимликлар истеъмол қилганлар 72, наркотик моддаларни истеъмол қилганлар сони 5 нафарни ташкил этади. Яна бир кўнгилсиз томони, ақли заиф болаларнинг ғиргирлик қилаётгани жуда ташвишли. Уларга биз қандай чора кўришимиз мумкин? Ота-оналари эса ҳатто шу нарсани билиб туриб, боласини бу йўлдан қайтаришмайди. Биз бундайларни кўпинча маҳсус мактаб-интернатларга юборамиз. Шунингдек, шаҳримизнинг турли савдо расталарида ўзларича савдо қилиб ўтирган муштдек-муштдек болаларни тартибга солиш бўйича «Қуча» тадбирини ўтказяпмиз. Бу ҳам яхши натижалар беряпти.

— Маълумки, тарбиянинг илк сабоқлари аввало оиладан бошланади. Халқ орасида «Қуш уясида кўрганини қилади»деган нақл бор. Шу ўринда айтсангиз, юқорида санаб ўтилган ташвишли воқеаларнинг иштирокчилари қандай оилалардан чиққан?

— Ҳақ гапни айтдингиз. Боланинг қандай тарбия топиши аввало оилавий муҳитга боғлиқ. Бизнинг «рўйхат»имиздаги болаларнинг кўпчилиги ноқобил оилалардан чиққан. Яъни, отаси ичувчи, ё онаси, ёхуд отаси ташлаб кетган ва ҳакозо.

Биз кўпинча болаларнинг ота-оналари билан ҳам суҳбатлашяпмиз. Масалан, 1995 йилнинг 4 ойлигида жами 297 та баённома тузилди. Шундан 160 таси ота-оналарга нисбатан тузилган. 56 нафар ота-она масаласини муҳокама қилдик. Ота-оналик ҳуқуқидан суд орқали маҳрум этиш ҳоллари ҳам учраяпти. Шу 4 ойликда 3 ота-онага шундай чора кўрилди. Билмадим, биз доимо айбни бир томондан излаймиз. Аксинча, тарозунинг икки палласи тенглашса, яхшилик рўй беради. Шу маънода биз эртанги кунга бефарқ бўлмайлик. Болаларга эътиборсизлик келажакни унутиш билан тенг. Уларни асрайлик.

Суҳбатдош: Озода БЕКМУРОДОВА.

• Мухбир бонг уради

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Бугунги кунда аксарият ёшларимиз тижорат билан шуғулланишга ружу қўймоқда, тадбиркорлик — ҳаёт тақозоси, ишбилармон одам фаровон турмуш кечиради. Лекин, маънавий гўзаллик-чи?

Республикамиз Олий Мажлиси биринчи сессиясида Президент Ислом Каримовнинг маънавият масалаларига алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Маънавий гўзалликни тарғиб қилишда кино санъати ўзига хос ўрин тутади. Аммо, кинотеатрларимизнинг кун сайин ҳувиллаб бораётгани, айниқса, ёзги кинотеатрларнинг бугунги аҳволи кишини ташвишлантиради.

Фарғона шаҳар киновидео бўлими қарамоғида бўлган «Химик» ёзги кинотеатри биноси хароба ҳолига келди. Унинг эшик, деразалари ташиб кетилган. Балки, мазкур бино бирон бир мулкдор қарамоғида бўлганида умуман бошқача манзарани кўрган бўлармидик.

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган «Новая эра» кинотеатри биноси вилоят қўғирчоқ театрига берилганига бир неча йил бўлди. Мақсад театр жамоасини қўллаб-қувватлаш эди. Бироқ, театр жамоаси бу бинодан фойдаланмаяпти. Кинотеатрда бошланган таъмирлаш ишлари чала қолиб кетди. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

—Вилоятимизда қарийб 350 кинотеатр бор, — дейди вилоят киновидео бошқармаси бошлиғи раисининг муовини Абдураҳмон Яриев. — Кинотеатрларга томошабинни жалб этишнинг бирдан бир йўли янги фильмлар намойиш этишда, деб биламан. Лекин, бу ишда ҳам талайгина қийинчиликларга дуч келяпмиз. Вилоятимизда «Ўзбекфильм» маҳсулотларига талаб катта. Лекин уларни харид қилгани маблағ йўқ. Илгари қишлоқларга хизмат кўрсатувчи 11 та кўчма кинотеатр мавжуд эди. Эндиликда улар ҳам фаолиятини тўхтатди. Сабаби — ҳаражатлар ўзини қопламаяпти.

Бошқарма раҳбарининг сўзларини тинглар эканмиз, бир таклиф туғилди. Нима учун айни кунларда кимларгадир керексиз бўлиб қолган кинотеатрлар «Кимошди» савдосига қўйиб сотилмайди? Ахир иқтисодий жиҳатдан зарар келтирган савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари хусусийлаштирилгач, самара бермоқдаку?

Р. КАМОЛОВ.

• Гар истак бўлса...

ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

«Бир йигитга қирқ ҳунар оз» деганларидек, Дўстлик туманидаги М.Дадажонов номли жамоа хўжалигининг турар жой бўлими бошлиғи, муҳандис Э.Шоймардонов савобли ишга қўл урди. У ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган тегирмонни ишга туширди. Эшмуроднинг саъй-ҳаракати билан тегирмонда бир кеча-кундузда 2-3 тоннага яқин ун тайёрланмоқда. Узоқ-яқин қишлоқлардаги уй бекаларининг қувончини айтмайсизми? Ҳозирги кунда Эшмуродга қарашли тегирмонлар юксак унум билан ишлаб, аҳоли манфаатига хизмат қилмоқда. Одамлар ўз томорқаларида етиштирган маккажўхори ва бошқа дон маҳсулотларини тегирмонда майдалатиб олмоқдалар. Шахсий чорва моллари учун ем тайёрлаш ишлари ҳам ҳал бўлди. Электр қуввати билан ҳаракатланадиган ун ва гуруч тайёрлайдиган тегирмонларнинг ораси узоқ эмас. Ёнма-ён қурилган. Дон ва тайёрлов маҳсулотларини сақлайдиган хоналар ҳам бор. Ишнинг сифатли ва унумли ташкил этилганидан соатига 250-300 килогача маҳсулот тайёрланмоқда. Шунинг учун тегирмонга туманнинг турли бурчакларидан келаётган кўплаб кишилар қисқа фурсатда ҳожатларини чиқариб қайтишаяпти.

Дарвоқе, ишлашни ҳоҳлаган имконият топади, деганлари шу бўлса керак. Тегирмон мосламаларини қидириб, ҳеч ким югур-югур ҳам қилмади. Буни хўжаликда хизмат муддатини ўтаб бўлган эски комбайнларнинг эҳтиёт қисмларидан тайёрлашди.

Т.СОЙНАЗАРОВ.

• Электр хўжаликлари дўконига кирсангиз кўзингиз беихтиёр бир-биридан гўзал, камалак тусда товланувчи қандилларга тушади. Тошкент электр жиҳозлари заводи жамоаси ўз маҳсулотини жаҳон бозорида кўз-кўз қилиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Тошкент қандиллари тайёрлаш жараёни.
В. МОЛГАЧЁВ олган сурат.

• «Ўздавстандарт» чора кўради

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

«Удавстандарт» ходимлари «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг беш турдаги маҳсулотини текшириб кўрдилар. Уларнинг барчаси қоида бузилгани ҳолда ишлаб чиқарилаётгани аниқланди. Мисол учун, икки модификациядаги тракторларнинг йигув сифати, бутлаш, маркировка қилиш, буяш ва бошқа ишлар меъёрий талабларга тўғри келмайди. Қабул қилиш ва топшириш синовлари ҳам шунчаки, хўжакўрсинга ўтказилган. Заводда ишлаб чиқарилаётган галла янчадиган ускуна, чилангар исканжаси, қайчилар сифатига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди.

Корхонада нуқсонларни бартараф этишга фаоллик билан киришилди. Тартиб ўрнатиш учун уттизга яқин ташкилий-техник ишлар бажарилди. Кейинги текширув бу ишларнинг яхши бажарилганини тасдиқлади.

НУҚСОНЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

Вобкент ип йигирув фабрикаси иши текширилганида жуда кўп нуқсон аниқланди. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот стандартга тўғри келмас эди. Корхонанинг ўлчов-текширув воситалари ҳам носоз эди. Ана шу сабабларга кўра, корхона маҳсулотини сотиш тақиқлаб қўйилган эди.

Қурилган чоралар натижасида нуқсонлар бартараф қилинди. Энди савдо ташкилотлари корхона маҳсулотларини бемалол сотиб олмоқда.

ТУЗНИНГ ҲАМ ТУЗИ КАМ БЎЛАРКАН

Шуманай туман тайёрлов идораси ходимлари ош тузи ишлаб чиқарадиган корхона барпо этишган эди. Бироқ бу ерда ишлаб чиқарилаётган туз бошқа аралашмалар ва ранги жиҳатидан стандартга тўғри келмас эди. Тайёрловчилар туз тайёрлаш бўйича оддийгина технологик йўл-йўриққа эга бўлмаганидан кейин бошқача натижа кутиш мумкинми? Текширувчилар бу маҳсулотни тўғри тайёрлаш йўл-йўриғини кўрсатиб беришди. Энди корхонада чиқарилаётган тузнинг таъми жойида.

(ЎзА мухбири).

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ВОҚЕАЛАР



• ЛИТВА. Каунасдаги мусулмонлар масжиди. У 1930 йилда қурилган бўлиб, ажойиб меъморчилик обидаси ҳисобланади.
К. ЮРЯЛЕ олган сурат.

• ДУШАНБЕ. Тожикистон Бош вазири Жамшед Каримов республика ҳукумати миллий валютани муомалага киритишга қарор қилганлигини айтди. Миллий валюта қачондан бошлаб узил-кесил муомалага кириши эрта-индин эълон қилинади.

***

• БИШКЕК. Қирғизистон парламентининг халқ вакиллари палатаси раиси Алманбет Матубраимовнинг фикрича, ҳозир республика Президенти ваколатини узайтириш бўйича референдум ўтказишнинг вақти эмас. Бу масалани депутатлар ва Президент ҳал қилади. Шу боис Қирғизистонда бу масала тўғридан-тўғри сайлов ўтказиш йўли билан ҳал этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

• МОСКВА. Россия БМТнинг Анголадаги кузатувчилар комиссияси тасарруфига ўзининг 7 та вертолёт ва 160 нафар ҳарбий хизматчисини жўнатишга розилигини баён этди. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг мурожаатидан сўнг, Федерация Кенгаши ушбу қарорни қабул қилди. Президент Ельциннинг фикрича, халқаро барқарорликни таъминлаш БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган Россиянинг муҳим вазифасидир.

Россия ҳарбий бўлинмаси БМТ Бош котиби Бутрос Голийнинг илтимосига биноан Анголага жўнатилмоқда.

***

• СЕУЛ. Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳрида метро қурилишидаги участкаларнинг бирида қаттиқ портлаш юз берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш натижасида ўнлаб шаҳарликлар ҳар-хил даражада жароҳатланган, улар орасида курбонлар ҳам бор.

Эрталаб аҳоли ишга шошилаётган пайтда мазкур ходисанинг рўй бериши ана шундай оғир оқибатларга олиб келди. Портлашнинг сабаблари текширилмоқда.

***

• ИСРОИЛдаги энг йирик «Ликуд» мухолиф партияси мамлакат қўшинларининг Жўлон тепаликларидан олиб чиқишини ёқламайди. Мазкур партия йўлбошчиси Биньямин Нетаньяхунинг таъкидлашича, бу Исроил Сурия билан бошқа масалалар юзасидан музокаралар олиб бормайди, дегани эмас. Исроил Сурия билан сув заҳиралари ва бошқа масалаларда музокаралар олиб бориши мумкин.

***

• ЛЕНИНОБОД. Хўжанд тумани ҳудудида Тожикистон — Исроил қўшма корхонасининг паррандачилик фабрикаси қурилянти. Фабрика ишга тушгач, бу ерда 380 минг бройлер зотли парранда боқилади. У аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги кунда фабрика биноси қурилиши қизғин давом этмоқда. Қурилиш учун 670 гектар ер ажратилган. Шунингдек, йилига 15 минг тонна парранда гўштини қайта ишлайдиган цех ҳам қурилянти. Совутиш мосламалари ва бошқа барча ускуналар хориждан келтирилмоқда.

• Иқтисодиёт янгиликлари

ЯНГИ ДОРИ СИНАЛМОҚДА

• Намангандаги «Ўзагрокимёсервис» акционерлик жамияти билан Японияннинг жаҳондаги кўп мамлакатларга кимёвий дорилар етказиб бериш билан шуғулланадиган «Томен Корпорейшн» компанияси мутахассислари ўсимликларни самарали ҳимоя қилиш муаммосини биргаликда ҳал қилишга киришдилар. Бундан кимёвий дориларнинг дастлабки туркуми вилоят пахтазор ва токзорларида, боғларида синаб кўриш учун олиб келинди.

БОЛАЛАР ПОЙАБЗАЛИ

• Андижон вилояти Избоскан туманининг Тўрткўл шаҳарчасидаги пойабзал фабрикаси ходимлари Ўзбекистон шаҳарларида деярли бир вақтда саккизта фирма магазинини очдилар. Корхона жамоаси болалар пойабзаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, харидорларнинг талаблари асосида пойабзалнинг янги моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун имкониятлардан тўла фойдаланмоқда. Корхона кичкинтойлар учун пойабзалнинг ўнта янги нусхасини кўплаб ишлаб чиқара бошлади.

СИРДАРЁ ТЕЛЕВИДЕНИЯСИ

• Сирдарёликлар ўз телевидениясига эга бўлди. Вилоят телевидениясида ҳафтада бир марта — шанба кунлари кўрсатувларни намойиш этмоқда. Яқин келажакда кўрсатувлар ҳар куни бериладиган бўлади.

«ПАНЖАКЕНТ — САМАРҚАНД» ТЕМИР ЙЎЛИ

• Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд ва Тожикистоннинг Панжакент шаҳрини ўзаро боғлайдиган темир йўл қурилиши бошланди. Қурувчилар 90 километр-лик масофадаги бу темир йўлни 48 ҳафтада қуриб битказиш ниятидалар.

ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШМОҚДА

• Тошкентда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва Франциянинг «Текнип» фирмаси Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлайдиган завод қуриш ғўғрисида битимни имзолади.

Битим шартларига мувофиқ «Текнип» фирмаси завод қурилишини батафсил лойиҳалаштиради, ускуналар ва бошқа зарур материалларни етказиб беради ҳамда заводни тўла қуриб битказади.

МЕҲНАТ БИРЖАСИ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

• Нукус иқтисодиётида бозор муносабатларининг мустаҳкамлана бориши билан республика аҳолисини иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш муаммоси ҳам пайдо бўлиши шубҳасиз. Ана шу меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш органлари муаммони ҳал этиш билан шуғулланади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида бундай органлар ташкил этилиб, айни пайтда шу муаммони ҳал этмоқдалар.

• Ижтимоий муҳофаза

КИМЛАР МОДДИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ?

- Президент Фармонлари — амалда
- Маҳалла — аҳиллик кўрғони
- Тарих кўрмаган ғамхўрлик
- Янги Низом зарур

Маҳалла деганда биз катта бир оилани, кўпчиликни ўз бағрида тарбиялаётган хонадонни тасаввур этамиз. Маҳаллалар ҳақиқатдан ҳам кўп асрлар давомида фуқароларни аҳил-тотув яшашга ундовчи восита бўлиб келди. Ва ҳозир ҳам шундай вазифани ўтамоқда. Шу билан бирга маҳаллалар сидқидилдан меҳнат қилиш, касб ўрганиш, шу йўл билан турмушни яхшилаш, ҳаёт кечиришни енгиллаштириш мумкинлигини фуқаролар онгига сингдирадиган бебаҳо мактабдир.

Юртбошимизнинг мустақил ватанимиз порлоқ келажаги йўлида олиб бораётган изчил сиёсати, айниқса «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори ва Узбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармонни ижро қилиш билан боғлиқ республика Вазирлар Маҳкамасининг 24 августдаги қарори жойларда, маҳаллаларда ўз ижросини топмоқда. Шу билан бирга бу — маҳаллалар ва уларнинг фаоллари олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида янги бир Низомни ишлаб чиқишни ҳам тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкилаганидек «...асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўймаъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қуллаб-қувватлашни тақазо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».

Демак, давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда, шу жумладан, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда маҳаллий давлат ҳокимиятлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгаймоқда.

Маълумки, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1994 йилнинг 1 октябридан аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашни бутунлай янги тури — кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам жорий этилди. Жами даромади кам булган муайян оилаларга ёки фуқароларга моддий ёрдам олиш ҳуқуқи берилди. Булар энг аввало вояга етмаган фарзандлари булган оилалар, боқувчисини, қисман ўз меҳнат қобилиятини йўқотган ногирон ёки бемор булган оилалар, ёлгиз пенсионерлар ва бошқа муҳтож оилалардир.

Жорий этилаётган ижтимоий ҳимоянинг бундай янгилиги шундан иборатки, қайси оиланинг кам таъминланган оила тоифасига киритиш мумкинлигини маҳалла, фуқароларининг йиғини мустақил равишда белгилайди. Ва ана шу оилага моддий ёрдам тайинлайди.

Халқнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳар бир оиланинг моддий ва мулкий аҳволини, уларнинг даромад манбаларини қайси оилалар моддий ёрдамга муҳтожлигини яхши биладилар. Кам таъминланган оилаларга муайян моддий ёрдамнинг янги турини жорий этиш давлатимиз ўтказаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг яна бир далили бўлиб, халқнинг кенг қуламда ўз-ўзини бошқаришига асосланган ҳозирги замон фуқаролар жамиятини шакллантириш йўлида қўйиладиган янги қадамдир.

Адолат юзасидан айтганда, ҳали тарихда ҳеч бир давлат ўз фуқаросини бунчалик ижтимоий ҳимоя қилмаган ва ушбу Фармондаги амалий тадбирлар каби кундалик ва доимий ғамхўрлик кўрсатмаган, десак муболаға бўлмайди.

Шуни ҳам қайд этишимиз лозимки, Узбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлиб, яъни демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш, жамият ва давлатни бошқаришга кенг аҳолини бевосита амалий иштирок этишини таъминлашда энг муҳим оммавий ташкилотлардан ҳисобланган маҳаллаларга эътибор бериш ўзини ижобий натижасини бермоқда. Ҳозирги шароитда маҳаллалар кўп қиррали ва сермазмунли ташкилий ишларни бажармоқдалар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Узбекистонда маҳаллалар ўзларига хос ва мос тарихий орган ҳисобланадилар. Ҳақиқатдан, ҳар биримизни яшаб турган маҳалламиз Ватан ичра Ватан эканлигини, маҳалла мустақил диёримизнинг бир бўлаги эканлигини, у эзгулик ва тарбия бешиги, фахримиз ва ор-номусимиз эканлигини унутмайлик.

Оилалардаги аҳиллик, иноқлик, ширин турмуш, ўғил-қизларни буюк келажагимиз учун муносиб ворислар этиб, уларни ақлан, жисмонан ва ахлоқан соғлом, ватанпарвар руҳда тарбиялаш, жиноятчиликни олдини олиш, миллатлараро дўстлик ва қардошлик, миллий анъана ва урф-одатларимизга садоқатли бўлиш, маърифат ва маънавият чашмаларидан доимий баҳраманд бўлиш, тўй ва маъракаларимизни намунали, ихчам ва исрофгарчиликсиз ўтказиш, ичкиликбозликка йўл қўймаслик ҳар бир маҳалламизнинг кундалик фаолиятининг бош мезони бўлиб қолиши керак.

Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Аҳлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор.

Буларнинг барчаси жамиятнинг бошқариш тизимида муҳим ўрин тутган маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақомини давр талабига тўлиқ жавоб берадиган янги Қонун ёки Низом қабул қилиниши жуда ҳам зарур эканлигини кўрсатади.

Кабир КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Янги-Ариқ» маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

• Диққат: муаммо

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТДА БУРЧ ВА ҲУҚУҚ

Ўтмишдан мерос бўлиб қолган муаммолардан бири — жисмоний тарбия ва спортнинг халқни соғломлаштирувчи, чиниқтирувчи, камолотга етиштирувчи моҳияти ҳақида билим беришда қўпгина камчиликлар юзага келди. Шу нарса равшанки, ҳуқуқ ва бурч масаласи жамият ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг ривожланиш даражасига алоҳида боғлиқ. Илғор мамлакатларда фуқаролар ёшликдан ўз саломатликларини ҳимоя қилиш зарурати ҳақида бурчни ўқиб, ўрганиб ўсадилар. Ўз саломатликларига етказилган зарар учун моддий ва маънавий талаблардан хабардорлар.

Масалан, Олмонияда ёшларга ижобий баҳо олишда энг қийин фан жисмоний тарбия ҳисобланади. У ерда тана жисмоний ривожланишининг қайси соҳасида давлат томонидан тасдиқланган меъёр талаблари ўқувчи томонидан бажарилмаса, бу ўқувчининг қолоқлиги кўрсаткичи ҳисобланади, ҳатто ўз халқи олдидаги шахсий ривожланиш соҳасида йўл қўйилган катта камчилик деб қаралади.

Бизда эса, болалар биринчи синфдан охиригача жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликнинг талабларига жавоб бермагани ҳолда синфдан-синфга кўчирилаверадилар. Ривожланган давлатларда болалар ўз ота-оналарининг ҳаётлари мисолида касалликдан келиб чиқадиган катта ҳаражатларнинг гувоҳи бўлиб улгаядилар.

Финляндияда касалхонада ётиб бир кунлик даволаниш 160 доллар миқдорига тенг. АҚШда 200 доллар пул тўланади. Касаллик натижасида келиб чиқадиган бошқа қийинчиликлар қатори ўз сармоясидан пул тўлаб даволаниш ёшларда ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ўз саломатлиги олдидаги бурчини англаб яшашга зарурият туғдиради.

Натижада фуқаролар ёшликдан саломатлик фақат маънавий фароғат эмас, шу билан бирга моддий қийматга эга булган бойлик эканини ҳам тушуниб катта буладилар.

Шунинг учун узоқ муддат касалликка йўлиқмасдан ўз вазифасини бажарган ишчи ва хизматчиларга ҳар йили туланадиган 13-чи ойлик маош ҳам қушилса соғломликнинг моддий ва маънавий қадри турмуш даражасига қанчалик таъсир кўрсатиши аён булади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ишчи ва хизматчилар сиҳат-саломатликни сақлаб қолиш учун пул тўлаб ҳар хил спорт бирлашмаларида шуғулланадилар. Бундай ҳаражат уларнинг соғлом меҳнат фаолиятлари натижасида бирмунча ортиқ қушимча даромад келтиришини яхши биладилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб янгича ижтимоий ва иқтисодий тараққиет йўлига утиши муносабати билан биз ҳам тажрибада ўзини оқлаган чет мамлакатларнинг фойдали амалий тажрибаларини қабул қилишимиз зарур. Ҳаммага маълум булса ҳам, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, касалликни даволашдан кўра олдини олган давлатимизга бир неча бор арзонроқ тушади.

Бир кишининг касаллиги бутун оила аъзоларининг ташвишига сабаб булади. Бундан келадиган маънавий йўқотишни пул билан баҳолаб булмайди. Учинчи томондан ўз иш вазифасини бажаришда омилкор бўлиб қолган ходимнинг касаллик даврида унинг ишини вақтинча бажарувчи киши унинг ишларини ҳафсаласизлик билан бажаради.

Иш унумдорлигига ута талабчанлик билан қарайдиган корхона ёки ташкилотнинг битта ёки бир неча хизматчиси касаллик туфайли ишга чиқмаслиги жамоага катта моддий зарар келтиради.

Бозор иқтисодиётига утиш жараёни кенгайиб чуқурлаша борган сари ҳар бир ходимнинг ўз иш жойида бекаму-куст фаолият курсатиши оша боради, салбий таъсир эса, катта булади.

Бу бозор иқтисодиётининг ривожланиш қонуниятидир. Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши манфаатларидан келиб чиқиб саломатликни жисмоний тарбия машқлари ёрдамида сақлаш соҳасидаги бурч ва мажбуриятларни белгилаш кун тартибидаги муҳим вазифага айланади.

Ҳуқуқ соҳасининг бу масалаларини мамлакат ва жамият нуқтаи назаридан яхши уйлаб жорий қилиниши соғлом турмуш тарзини кенг тарқатишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини, айниқса ўз ихтиёри билан сиҳат-саломатликни яхшилашга қаратилган шахсий ташаббуснинг кучайишига олиб келиши шубҳасиз.

Бунинг оқибатида бутун мамлакат миқёсида халқ саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишларнинг натижаси юксак босқичга кўтарилади. Хасталарни даволашга, дори-дармонлар харид қилишга сарфланадиган маблағлар бир неча бор камаяди.

Жуда кўп илмий-тадқиқотлар натижасида аниқланган қонуниятларга кўра фарзандлик бўлиш давридаги фуқароларнинг соғломлиги яхшиланган сари дунёга янги келадиган чақалоқларнинг соғлом бўлиб туғилиши юқори босқичга кўтарилади.

Республика Олий Мажлисининг ноиблари бу масалага эътибор беришларига умид билдирамиз. Ўқувчилар, ҳуқуқшуносларнинг, тиббиёт ходимлари, жисмоний тарбия мутахассислари ва бошқа шунга алоқадор кишиларнинг биргаликда мамлакатимиз учун ута моҳиятли масаланинг ечимига қўл уришлари қутлуғ иш бўлур эди.

Р. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти доценти.

• *Риштонлик уруш Қаҳрамони Тўхтасин Аҳмедов тез-тез мактабларда бўлиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келяпти.*
СУРАТДА: Т. Аҳмедовнинг ўқувчилар билан учрашув пайти.
Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Турфа олам

ЮРАК УЧИНЧИ МАРТА АЛМАШТИРИЛДИ

Тётрбургдаги Сальгренска Шюкхюсет касалхонасида даволанаётган 47 ёшли беморнинг юраги учинчи мартда алмаштирилди. Кеннет Андерсон деган бу кишига бегона юрак илк бор 1984 йилда Лондондаги шифохоналардан бирида ўрнатилган эди. У ўшангача бир неча йил мобайнида беш марта юрак хуружига дучор бўлганди. Кеннетга юрак ўрнатиш яхши ўтиб, у тезда ҳатто ишга қатнай бошлади.

Аммо ўтган йили май ойида кўкрагида шу қадар кучли огриқ пайдо бўлдики, К.Андерсоннинг айтишича, ҳатто ҳаракат қилиш ҳам қийинлашди. Яна жарроҳларга мурожаат этишга тўғри келди. Бу сафар юрак учинчи бор кўчириб ўрнатилди. Эндиликда учинчи марта ўзга юрак билан яшаётган бемор аста-секин оёққа турмоқда.

ЭНГ УЗУН ИСМ

Стамбулда истиқомат этувчи бир киши ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўлдиришда ҳар доим қийинчиликларга дуч келади. Негаки, унинг исми-шарифи қирқ учта ҳарфтан иборат. Бошқа тилларга ўгирилганда «Ярим ой ва юлдузнг тасвири туширилган байроқни кўтарган қаҳрамоннинг ўғли» деган жумла ҳосил бўлади.

ГИТАРА ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?

Маълум бўлишича, гитара Овропада XII-XIII асрларда пайдо бўлган экан. Араблар уни дастлаб Испанияга, сўнгра Италияга олиб келганлар.

Гитара Испанияда миллий асбобга айланди. Бу ерда уни йиллар ўтган сари такомиллаштирдилар. Унга бастакорлар қизиқиб қоладилар. Шуберт ва Вебер гитара учун махсус пьесалар ёзишади. Россини билан Вердилар эса гитарани оркестрга киритадилар.

Ғ. ПРИМОВ тайёрлади.

Ойнаи жаҳонда

ДУШАНБА, 15

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
18.50 Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов концерти.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 «Ижодий учрашувлар». Зулфия.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Ҳар гиёҳ ардоққа арзир».
22.00 Футбол бўйича Узбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Пахтакор».
23.30—23.55 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 Шифокор билан мулоқот.
19.45 «Тафсилот».
20.00 «Излаган имкон топади».
20.30 «Самарали изланишлар».
21.00—22.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
«ОМАД» таништиради:
19.30 «Совға».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40—24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 13-серия (якун-ловчи).
19.05 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 А.И. Солженицин билан учрашув.
21.00—22.05 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 1-серия (Литва киностудияси).

СЕШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Метичара—денгиз жонивори». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Узбек мумтоз ашулалари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.55 «Шифокор бўлай дейман». Кўкон тиббиёт билим юрти — 70 ёшда.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бир асар тарихи. Ойбек. «Навоий».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен туғилган тупроқ».
21.50 Бир жуфт қўшиқ.
22.10 «Олтин мерос». Халқ артисти Аббос Бакиров.
23.10—23.35 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Табиат дунёси».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Ҳаракатда баракат».
19.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.45 «Соккер-клуб».
21.30 «Узбекистон: ҳамкорлик йўлида».
22.15—23.45 Бокс. Жаҳон чемпионати. Финал. Германиядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 2-серия.
22.00—22.30 «Гол».

ЧОРШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Яшаш учун туғилганлар». Бадиий фильм.
9.25 «Оламни асранг!».
10.00 Алифбо сабоқлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Соғлом авлод учун».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар—фахримиз».
12.10 «Кашф этилаётган имкониятлар».
12.40 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
13.35 — 14.05 «Чорраҳа».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 «Ислоҳот ва масъулият».
19.10 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 «Хотира». Аҳмаджон Исмоилов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.20 «Яна Фармонбиби хонадонида». Кинокўрсатув.
23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўз ҳақингда гапир...»
19.00 «Ёдингдами, дўстим...»
19.15 «Абадий ёдгорликлар».
19.45 «Диққат, репетиция!»
20.25 «Тошкент оқшомида».
21.25—23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Телефильм.
19.05 «Ўтиш даври иқтисодиёти».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.00 «Табиат дунёси».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50—23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Ҳаракатда баракат».
19.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.35 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
21.15 «Безнен мирас»(татар тилида).
22.00—23.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Эслаб, излаб». Кўрсатувни Г.Скороходов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—22.35 Кино асри. «Биз ҳеч қачон ўлмаймиз». Бадиий фильм (Венгрия, 1991 й.).

ПАЙШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Бешинчи «Б» да ўқийдиган шумтака». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
10.00 Инглиз тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Узбекистон халқлари тарихи.
11.00 Ўсмирлар учун. «Садоқат».
12.00 Шифокор экрани.
12.25—14.45 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Сеҳрли мўйқалам».
18.30 «Тараққиёт».
18.50 «Санъат олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кекса санъаткорлар». Қутлимурод Ҳожиев.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Узбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Қорақалпоғистон.
22.10 «Олтин мерос». Мақсуд Шайхзода.
23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45—23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Спорт-тайм».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.45 «Соккер-клуб».
21.30 «Узбекистон: ҳамкорлик йўлида».
22.15—23.45 Бокс. Жаҳон чемпионати. Финал. Германиядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 «Марюс». Телесериал. 1-фильм. 2-серия.
22.00—22.30 «Гол».

ЖУМА, 19

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биологмя.
11.00 «Қувноқ созим». Глиэр номидаги республика мактаб-интернати ўқувчиларининг чиқиши.
11.35 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.05 «Гул кўп, чаман кўп».
12.35—13.05 Янги китоблар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Вазият».
18.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
19.05 «Узбекистон «Мерседес»лари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Баҳор мангу қолади». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов иштирокида концерт. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
23.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
24.00—00.25 «Узбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Экология ва ҳаёт».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Гўзаллик бунёдкорлари».
20.00 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув (рус тилида).
20.40—22.15 «Қотилликда айбланадилар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

14.00—18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

* * *

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.10 «Ҳайвонот оламида».
20.30 «Оқ соя».
21.00 Эстрада жилолари.
21.20—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Подиум».
10.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.50 «Келинг, бир кулишайлик».
11.20 «Булоқлар кўз очганда».
11.50—12.30 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Нон таъми».
19.15 «Рангинкамон» (тожик тилида).
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
21.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Эллада».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—7.45 «Телетонг».

* * *

18.10 «Роҳибаларнинг оёғи ерга тегмайди». Кинокомедия премьераси (Англия).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 3-серия.
21.50 «Юракдан куйлашни хоҳлайман». Татьяна Матвеева куйлайди.
22.10 — 23.40 Футбол. Англия кубоги. Финал. «Манчестер Юнайтед» — «Эвертон». Англиядан кўрсатилади.

ШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
9.35 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
10.15 Беҳбудий. «Падаркуш». Телеспектакль.
11.20 «Узбектелефильм» студияси фильмларининг телевизион фестивали ҳақида.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
12.45 «Қишлоқ ҳаёти».
13.35—14.15 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Еттига етти». Телеўйин.
18.45 «Мозийга бир назар».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нафосат гулшани». Халқ артисти Қундузхон Миркаримова саҳналаштирган рақслар.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Тимсол» видеоканали.
23.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Табиат дунёси».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 «Теле-ателье-шоу».
12.20 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Подиум».
10.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.50 «Келинг, бир кулишайлик».
11.20 «Булоқлар кўз очганда».
11.50—12.30 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!».

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Нон таъми».
19.15 «Рангинкамон» (тожик тилида).
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
21.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Эллада».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30—7.45 «Телетонг».

* * *

18.10 «Роҳибаларнинг оёғи ерга тегмайди». Кинокомедия премьераси (Англия).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 3-серия.
21.50 «Юракдан куйлашни хоҳлайман». Татьяна Матвеева куйлайди.
22.10 — 23.40 Футбол. Англия кубоги. Финал. «Манчестер Юнайтед» — «Эвертон». Англиядан кўрсатилади.

ЯКШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Узбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Қувноқ стартлар».
8.45 Болалар киносеанси.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш турнири. Қиргизистон—Узбекистон терма командалари.
12.30—14.30 «Нурли келажак». Ўсмирлар видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўлгайиш погоналари».
18.30 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Болалигим, сени соғиндим». Юлдуз Усмонованинг янги концерт дастури.
22.35 «Наштар» саҳифаларида.
23.00—23.30 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!».
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле-ателье-шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

* * *

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50

● Турмуш чорраҳаларида

ЁЛҒИЗЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛМАНГ

Яқинда автобус бекатида икки аёлнинг ўзаро суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири — гарчи ёш ва кўҳликкина бўлсада, юзига чапланган бўёқ хуснини бузиб турарди.

— Турмушга чиқибсан, табриклайман, — деди дугонаси.

— Менга қолса чиқмасдим, аммо Беҳзодим кимни кўрса «дада» деб осилаверади. Лекин буниси ҳам...

— Бўлар энди. Эсинг борида этагингни йиғиб ол, — танбеҳ берди дугонаси.

— Нима бўпти, эр зоти қуриб кетган, деб ўйлайсанми?..

Шу пайт автобус келиб тўхтади-ю, суҳбат бўлинди. Кетяпману, ҳалиги аёлнинг гапи қулоғим остида жаранглайди.

Наҳотки, баъзи аёллар эркакларни кўгирчоқ фаҳмлашса. Лекин турмуш ўйинчоқ ҳам, овунчоқ ҳам эмас-ку! Умуман олганда оила, рўзғор тушунчасини ҳалиги аёлга ўхшаганлар том маънода тушунишармикин? Аслида оилавий ажралишларнинг асл сабабчилари ана шундай кишиларнинг ҳаётга енгил-елпи қараши натижаси эмасмикин?!

Баъзида ўзлари ҳоҳлаб турмуш қурган, аммо кўп ўтмай «феълимиз тўғри келмади», деб ажрашиб кетаётган ёшларни кўриб ачинасан киши. Икки ўртада болалар сарсон-саргардон бўлиб қолишяпти.

Хизмат юзасидан бир неча бор судлов ишларида қатнашганман. Кечагина апоқ-чапоқ бўлиб юрган эр-хотин бир кунда ёвга айланиб, бир-бирини бўлмағур сўзлар билан ҳақорат қилиб, шармисор бўлганларини кўп марта кузатганман.

Эркаклар орасида рўғорим, оилам деб жон қойитмай, ҳаётга енгил-елпи қарайдиганлари ҳам бор. Ундайларнинг аксарият қисми умрида қийинчилик кўрмаган, ота-она маблағига яшаб, ўйланганлар тоифасидан. Бўйнига мустақил ҳаётнинг «ола хуржуни» тушганида эса...

Лекин халқимизда эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин, деган нақл бор. Шундай бўлгач, отасининг оила бошлиғи, онасининг уй бекалигини кўрган оқила, доно қиз албатта рўзғорни эплаб кета олади. Рўзғор эркакни ҳам, аёлни ҳам баббаробар тарбиялайдиган маскан.

Пароканда оилаларни қовуштирадиган, нотўғри қадам босган эрларни тўғри йўлга соладиган, ноиттифоқ оғаиниларни бирлаштирадиган, рўзғорга қут-барака киритиб эрнинг топганини рўёбга чиқарадиган ҳам аёлдир!

Аксинча, нодон аёл касрига қолиб чекувчи, ичувчи бўлиб кетганлар қанчадан-қанча! Ҳар бир сўзи юракка наштардек ботадиган аёлдан безор бўлиб, ювошроқ жуфт қидирган эркаклар йўқми? Ҳар гал ўзининг, қариндош-уруғининг ёки ота-онасининг қилган яхшилигини санаб кўрсатиб, миннат қилавериш ҳам эр юзига қора чизиқ тортиш билан баробардир. Оилада эр-хотин «икки ёрти — бир бутун» дегани. Бири калаванинг учини топаолмай турган пайтда иккинчисининг жонга оро кириши турмушда бир-бирини қўллашдир.

Инсоннинг умри жуда қисқа. Шундай бўлгач, ортиқча асаб бузишга, бир-бирини беҳурмат қилишга не ҳожат?! Баъзи аёллар жаҳл аралаш хитоб қилишади: «Ҳукумат бизга изн берган. Эркаклар билан тенг ҳуқуқлимиз!

Хўш, тенг ҳуқуқлик нима ўзи? Эркаклар билан теппа-тенг айтишишми? Ёки овқатни мен пиширдим, энди қозон-товоқни сен ювгин деганими? Ёки мен сендан кўпроқ маош оламан. Шунинг учун менинг айтганим бўлади, деб ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилишми?

Кексаларнинг «Аёл киши эркакдан бир поғона пастроқ туриши керак, шундагина рўзғор ҳақиқий рўғор бўлади» деган гапи бор. Эрдан паст туриш бу — ҳокисорлик дегани эмас. Бу — одобдир! Эркаклар очиқ, аёллар эса сездирмай уй-рўзғор ишларига бошчилик қилиб борадилар, фарзандларга ҳар бир ишда отанинг рухсати бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ота сиёсат қилиб турмаса, бола тарбияси бузилиши табиий.

Уй тутишни билмайдиган аёл бўш вақти кўп бўлса ҳам, уйга қарамайди. Доимо иврсиб туради. Эрнинг танбеҳи, дашномлари кор қилмайди. Шу сабабли баъзи эркаклар уйга яқин дўстини бошлаб келишга ҳам тортинадилар.

Ўз жуфтини ишдан келишига байрамга тайёргарлик кўргандек хозирланиш аёл кишининг бағоят оқила эканлигидан далолатдир. Қадрдон кишисини очиқ чехра билан кутиб олса, эр киши чарчаб турган ва кайфияти нохуш бўлса ҳам аёл латофати, табассуми, биргина «хорманг дадаси» деган сўзи уни сеҳрлайди-қўяди. Чарчоқни унитади. Аёлга меҳри ошади. Агар бунинг акси бўлса-чи? Эр уйда топмаган нарсани кўчадан қидира бошлайди.

Кечагидек эсимда. Болалик вақтимда катта опам турмушга узатилди. Шунда бувим опамни бир четга тортиб: «Мана энди ҳақиқий уйингга бораяпсан, қизим. Уша жойда унай-ўсай десанг тилингга эрк берма. Борган жойингнинг остонасини ҳам сизлаб босгин. Ҳовли супирадиган бўлсанг, овсининг тарафидан бошлаб супур. Бу — сизни ҳурмат қиламан, деганинг бўлади. Эринг олдида доимо яхши кийимда юр. Уйингни тоза тут. Қайнонанг, қайнотанг турмасларидан олдин уйқудан уйғон. Шу гаплар доимо ёдингда бўлсин, болам», деган эдилар.

Ҳа, бу сўзларнинг маъносини ҳаёт бўсағасида турган ёш сингилларимиз чақиб кўрсалар ёмон бўлмас эди. Рўзғор икки кишининг қўли, ақли билан тўқиладиган умр занжиридир. Афсуски, баъзан ўша «занжир» мустаҳкам тўқилмаётганлиги сабабли ёш оилалар пароканда бўлиб кетаяпти.

Эркаксиз уй зулмат, даҳшат эканлигини ёлғизликни бошидан кечираётган аёллар билишади. Шу ерда фарғоналик Холисхон исмли аёлнинг кўз ёши билан айтган гапларини айнан келтиришни лозим топдим:

— Мухбир экансиз, сиздан яширадиган гапим йўқ. Барибир кимгадир юрагимни очишим керак-ку, ахир. Турмушимиз ёмон эмасди. Ҳамма нарса етарли, ҳаётимиз бадастур эди. Эрим менга ҳеч қаттиқ гапирмасди. Балки шу сабабдандир эркаланиб бўлар-бўлмасга хархаша қилаверардим. Энди билсам эркалик ҳам меъёрида бўлгани тузук экан. Охири улар инжиқликларимдан безор бўлдилар... Хуллас, ёлғиз қолдим.

Гоҳида дугоналарим: «Қачон шу эрдан қутулар эканман» ёки «сизга маззада, хўжайинингиз йўқ. Билганингизни қиласиз хоҳлаган жойингизга борасиз» дейишади. Шунда уларга «Дугонажон, эрсизликни сира ўйламанг. Фарзандларингизни отасиз ўстиришни бўйнингизга олманг. Эрингиз қалбини дарз кетказмай, уни эъзозланг. Шунда у сизни бошига кўтариб юради. Бундан ортиқ бахт борми, — дейман. Ҳа, ука ҳеч бир аёл кўз очиб кўрганидан айрилмасин экан. Болалар ҳам вояга етгач ўз йўлларини топиб кетишаркан. Бир-бирига азиз бўлиб эрга-аёл, аёлга эр қоларкан. Сингилларимга, рўзғорингдан аҳрама, ёлғизликни орзу қилма, оила бахти, икки жуфтнинг бир-бирини ўзаро ҳурмат қилиб яшашида дейман...

— Ҳа, бундай сўзларни фақат турмушнинг аччиқ-чучугини ўз бошидан ўтказган одамгина гапириши мумкин. Лекин умрнинг сўнгги нуқтасигача ҳамнафас бўлиб яшаган, ҳаёт йўлини мазмунли, намунали босиб ўтганлар ҳам оз эмас. Мен бир пиру бадавлат оилани биламан. Убайдулло ота тўқсондан ошиб, юзни қоралаган бўлсалар-да, ҳали анча тетиклар. Отахоннинг умр йўлдошлари — Руқия аянинг эса ёшлари етмиш бешда. Беш нафар келинлари, олти нафар кўёвлари бор. Ширин-ширин невара-ю, чевараларини айтмайсизми? Маҳалла тўй бўлса келин-кўёвнинг жойини яхши ният билан Руқия аяга тўшатишади. Убайдулло ота эса ёшларга оқ фотиҳа берадилар. 54 йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб келаётган бу нуронийлар бирор марта бўлса ҳам бир-бирларини «сен» деб айтишмаган. Бу оила фарзандлари одамохун, одобли, оқибатли бўлиб вояга етишди. Улар ҳамиша маҳалла аҳлининг эъзозидаҳурматида.

Руқия ая невара келинларини ҳам ўз қизидай тарбиялайди. Билмаганини ўргатади, турмушнинг икр-чикирларидан сабоқ беради. Ҳар қандай шароитда ҳам эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилиши, асраб-авайлаб, эъзозлашни доимо уқтиради: — Жаҳл келганда ақл кетади, болам. Ҳар қандай вазиятда ҳам аёл киши эрига кулиб қараса, бир зумда жаҳлдан тушади. Барчаси аёлнинг муомаласига боғлиқ. Аёлнинг аёллиги ва зийнати ҳам шунда-да. Бири баланд келганда, иккинчиси паст келиши керак. Шундагина рўзғор, рўзғор бўлади, болам», деган ўгитларида бир олам маъно бор.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

● **Улуғ саркарда Амир Темур сафарга чиқиш олдидан устози Саид Бараканинг дуосини олмоқда.**

Мусаввир Маҳмуд ЖЎРА ўғли.

ТОРТ

(Шингил ҳикоя)

Инсон умрининг энг гўзал даври — ёшликдир. Шунинг учун ҳам баҳорни ёшликка қиёс қиладилар. тоғлар гўзал, боғлар гўзал, ариқларда сувлар тўлиб-тошиб, шарқираб оқади. Шунинг учун бўлса керак, баҳор киши тасаввурида гўзаллиги туфайли худди тез ўтгандай туюлади.

Нозима ҳам кечагина кўҳликкина қиз эди. Мана ҳозир тўрт фарзанднинг онаси. Унинг ҳаёлини даб-дурустдан дарсга кириш учун чалинган қўнғироқ бўлиб юборди. Болалар бирин-кетин синфга чуғурлашиб кириб келдилар. Нозима бугунги дарсни ҳам ўзгача иштиёқ билан ўтди..

Эртага байрам. Кўчаларда шунчалик одам кўпки, карвондек, охири кўринмайди. Ҳамма қаёққадир шошилади. Нозима ҳам байрам дастурхонини тезроқ тузаш учун уйига шошиб борарди. Кўлида бир даста гул. Ўқувчилари беришди. Йўл-йўлакай дўкондан торт харид қилмоқчи бўлди. Ахир эртага катта қизи Гулбаҳорнинг ҳам туғилган куни. Ҳар йили уларникида қўш байрам. Гулбаҳорнинг дугоналари келишади. Байрам яхши-ю, шу одамларнинг ини бузилган аридек гувиллагани ёмон-да. Нозима ҳаёл билан дўконга кирганини ҳам билмай қолди. Одам кўп, тирбанд эди.

— Навбатнинг охири ким? — сўради Нозима.

— Оповси, сиз бу ерда тураман, деб ўйламанг, ҳув кети нариёқда, — шанғиллади бир семиз аёл, ўн бештача навбатда турган одамларга ишора қиларкан.

— Опажон, маъзур тутасиз, автобусга улгуролмайман, эртага қизимнинг туғилган куни эди, битта торт қўшиб олинг...

— Вой, нималар деяпсиз. Менга ўзи иккита торт керак. Бирини есак, бирини совчликка олиб бораман. Ана навбатга туринг. Э, одамларга ҳам ҳайронсан, — яна шанғиллади бояги аёл.

Нозима кўзларини умидвор тикиб тураверди.

— Нега турибсиз? Ёнимда турманг. Ўзи ҳаво етишмаяпти. Нари туринг, — семиз аёл қўли билан Нозимани итариб юборди.

Нозима ўзини ёмон сезиб, орқага тисланди, торт олишдан умидини узиб, бекат сари аста кетди.

Лекин ҳалиги қўпол аёлнинг сўзлари-ю, турткиси кўнглидан кетмасди. — Тағин совчиликка борармиш. Шундай аёлга келин бўлганнинг шўри қурсин. Яхши сўз — жон озиғи, дейдилар. Нега баъзилар шунчалик қўпол бўлишаркин? Одамнинг кўнглига озор етказишади.»Дилозордан худо безор» деганлари шу эканда. Лекин дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Яхшиямки, шундай одамлар ёмонларнинг гуноҳини ювиб туришади.

Эшикни ўғли очди. «Ойижон, келдингизми? Унга пешвоз чиққан ўғли ва қизини қучоқлаб, юз-кўзидан ўпди. «Даданг келдиларми?» — сўради Нозима. «Қўнғироқ қилдилар, бугун ҳам навбатчи эканлар». «Ҳа, даданг доим шунақа. У бундан бошқача яшай олмайди ҳам. Одамларнинг соғлиғи — даданг учун байрам».

Нозима ўғли ва қизи билан эндигина дастурхон атрофига ўтирган ҳам эдики, эшикнинг қўнғироғи чалинди. Гулбаҳор «Мен очаман, ойижон, дугоналарим келишди», дея пешвоз чиқаркан.

— «Ассалому алайум, она қизим», — Нозиманинг қулоғига ҳалиги қўпол аёлнинг таниш овози эшитилгандай бўлди. — «Ойинглар бормилар?»

— Ҳа, ҳозир, ойи?

Нозима эшикка юзланди. қайси кўз билан кўрсинки, ҳалиги семиз, қўпол аёл қўлида торт ушлаб: — «Қулчиликка» келдик, — дея эшик ортида турар эди.

Уни кўрган Нозима бўшашиб, остонага ўтириб қолди...

Саломат САФО қизи.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ижтимоий таъминот вазирлиги бўлим бошлиғи Р. ХОЛМУРОДОВ жавоб беради.

— Болаликдан биринчи гуруҳ ногирониман. Аёлим ҳам болаликдан иккинчи гуруҳ ногирони. 1992 йилда туғилган ўғилчамиз бор. Ўғлимга ҳам қўшимча нафақа тайинланадимми ёки йўқми?

Т. РЎЗИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

— Амалдаги Қонунга биноан меҳнат стажига эга бўлмаган болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг юз фоизи миқдорида ижтимоий пенсия-нафақа тайинланади. Бироқ улар қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун пенсияга қўшимча қўшиб бериш қонунда кўзда тутилмаган.

* * *

— Мен 34 йил агроном, бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Ўн йилга яқин эса агроном-энтимолог бўлиб ишладим. Ҳозирда ёшим 58 да. Пенсияга чиқсам бўладими?

М. НУРМАТОВ,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани.

— Сизга шуни маълум қиламизки, амалдаги пенсия Қонунида хўжаликларда агроном-энтимолог вазифасида ишлаганларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилмаган. Сизга пенсия 60 ёшга етганингизда умумий асосда тайинланади.

Корхона, ташкилот, муассасаларнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши ёки шу жойларда ходимлар сонининг қисқариши муносабати билан ишдан бўшаган ва ишсиз мақомига эга бўлган эркакларга ёшга доир пенсия олдиндан, яъни 58 ёшга тўлганларида тайинланиши мумкин.

* * *

— Менга қуйидаги саволларга жавоб беришингизни илтимос қиламан.

1. 1964 йилда туғилган ўғлим 1985 йил 26 октябрда Армия хизматини ўтаётганда вафот этди. Ҳалок бўлган солдатнинг отаси сифатида менга бирор-бир имтиёз борми?

2. Аслида 1935 йил 15 майда туғилганман. Лекин ҳужжатга 1939 йил 15 май бўлиб тушган. 34 йилдан буён ўқитувчиман. Лекин ёшим кичик тушгани учун пенсия тайинлашмаяпти. Шу тўғрими?

У. АЛИМАРДОНОВ,
Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани.

1. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналари учун қуйидаги имтиёзлар мавжуд:

— йилда бир марта темир йўл транспортида, темир йўл алоқаси йўқ туманларда сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автотранспортда юриш қиймати бориш ва келиш 50 фоиз арзонлаштирилди;

— иш ҳақидан даромад солиғи ушлашда 50 фоиз енгиллик берилган;

— шифокорлар рецептига кўра дориларни бепул олиш ҳуқуқига эга;

— шаҳарларда барча турдаги йўловчилар ташийдиган транспортларда (таксидан ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшаб турган туманлар чегарасида умумий фойдаланиш автотранспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга;

— тиббий хизмат ва алоқанинг барча хизматларидан навбатсиз фойдаланиш, яшаш жойини навбатсиз олиш ва уйларига навбатсиз телефон ўрнатиш ҳуқуқига эга;

— коммунал хизматларидан фойдаланишда, газлаштирилмаган уйларда қаттиқ ёқилғи сотиб олишда 50 фоиз енгиллик берилади;

— яшаш жойи учун ҳақ тўлашдан озод қилинади, уларнинг хоҳишига кўра яшаб турган давлат ва бирон идорага қарашли уйлари шахсий қилиб берилади;

— яшаш жойи қуриш учун фоизсиз суда олиш ҳуқуқига эга.

2. Сизнинг иккинчи саволингиз юзасидан шуни маълум қиламизки, фуқароларнинг ҳужжатларида (туғилиш гувоҳномаси, паспорт, никоҳ хати, хўжалик дафтарлари, ҳарбий билет) ёши ҳар хил кўрсатилган бўлса бу масала жойлардаги ижроия қўмиталар қошидаги фуқароларнинг ёшини аниқловчи комиссия томонидан кўриб ҳал қилинади. Шунинг учун бу масалада ёшни белгиловчи комиссияга мурожаат этишингиз лозим.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдан амалга киритилган Қонунга асосан ўқитувчиларга имтиёзли пенсия 55 ёшга кирганда ва махсус иш стажи 25 йил бўлган тақдирда тайинланади.

● Қилмиш-қидирмиш

«САЙЁР» ЗЎРАВОНЛАР

Тошкентнинг Чилонзор даҳасида, «Ўзпластитал» дўкони яқинида бир неча киши зўравонлик қилиб, бир фуқаронинг етти минг сўм пулини тортиб олди. Милиция ходимларининг тезкорлик билан кўрган чора-тадбири натижасида улардан биттаси қўлга олинди. У Қашқадарё вилоятидан «сафар»га келган, ҳеч жойда ишламайдиган кимса бўлиб чиқди.

Эски Жўва бозоридаги «Болалар дунёси» дўконида хоразмлик «сайёр» ўғри қўлга тушди. Аудио-видео аппаратура ҳамда қимматбаҳо кийим-кечакни ўғирламоқчи бўлган эди. Ҳозир тергов ишлари кетмоқда.

ХУСУСИЙЛАШТИРДИ...

Самарқанд яқинидаги «Давлатобод» жамоа хўжалиги сабзавот омборидан ярим тонна картошка ўғирланди. Милиция ходимлари ўғрини дарҳол қўлга тушириши. У шу хўжалик аъзоси экан. Ҳозир «хусусийлаштириш» устаси устидан тергов олиб борилмоқда.

УНФУРУШ

Фуқаро Асрор Халилов Китоб тумани матлубот жамиятига қарашли нон комбинатининг омбор мудири бўлиб ишлайди. У нафс йўлига кирдию, ўзганинг мулкини ўзиники ўйлаб, ўзлаштиришдан тоймайдиган бўлди. А.Халилов ўз жавобгарлигидаги биринчи навли 21 қоп унни ноқонуний тарзда пуллади. «Мулла жиринг»ни эса... Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси коррупцияга қарши кураш бўлими ходимлари билан бирга «санаш»га тўғри келди... Омборхонада тафтиш ўтказилганда 3100 сўм камомад борлиги ҳам аниқланди. Қолган ҳисоб-китоб ишлари Китоб тумани прокуратурасида олиб борилмоқда.

У.ХАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

ТУЗФУРУШ

Қува туманида «Инкор» деб номланган кичик корхона бор. Ички ишлар ходимлари яқинда унинг раҳбарини йўлда тухтатиб, Қиргизистонга бориши мумкинлигини инкор қилдилар.

Сабаби, кичик корхонанинг «каттаси» учта юк машинасига 21 тонна 200 кило ош тузини ортиб олиб, қўшни республикага «тижорат сафари»га отланган. Аммо сафари тез қариди...

Шухрат РЎЗИЕВ
ИИВ Матбуот маркази ходими

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Арчилган картошка қайнатилаётган сувга 3-4 паллача саримсоқ ёки бир оз укроп ташланса мазали бўлиб пишади.

***

● Духовкада арчилмасдан пиширилаётган картошканинг бир-икки жойига санчиқ (вилка) урилса, пишганда пўсти ёрилмайди.

***

● Картошка котлетига озгина сода қўшилса, котлет қавариб юмшоқ бўлади.

***

● Арчилмаган бутун картошкани сувда қайнатиб пиширганда сувга бир неча томчи сирка томизилса, картошканинг пўсти ёрилмайди.

***

● Тўқмоқлаб эзилган гўштнинг юзига сирка аралаш ўсимлик мойи суртиб 1-2 соат тиндириб қўйилса, қовурганда юмшоқ бўлиб пишади.

***

● Қари мол гўшти тез ва юмшоқ бўлиб пишсин десангиз, унинг ҳамма томонига горчица /хантал/ ишқаб, бир неча соат тиндириб қўйиш ва пишириш олдидан совуқ сувда яхшилаб ювиш керак.

***

● 2-3 соат сутга солиб қўйилган жигар қовурганда жуда мазали бўлиб пишади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ТОШКЕНТ ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАРНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА



Пойтахтнинг «Динамо» теннис кортларида «Буюк ипак йўли» Сателлит халқаро теннис турнири давом этмоқда. мазкур мусобақа Галаба байрами арафасида бошланган эди.

Мусобақада Руминия, Германия, Голландия, Испания, Исроил, Франция, Австрия, Италия, Швейцария, АҚШ, Словакия, Беларусь, Чехия, Россия давлатларидан ташриф буюрган 30 га яқин профессионал теннисчилар иштирок этишмоқда. Шунингдек, кортларда ҳамюртларимиз - Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Фарҳод Гуломов, Темур Ғаниев, Антон Иванов, Антон Кокурин каби теннисчилар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишяпти. Шу ҳафта сўнгида беллашувларнинг биринчи босқичи ниҳоясига стади. Кейин спортчилар Самарқанда бўлиб, курашни яна давом эттиришади. Фарғона ҳам теннисчиларни кутмоқда. Иккала шаҳарда бир ҳафтадан бўлишиб, яна пойтахтга қайтилади.

Тошкентнинг «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуи курашларга якун ясайди. «Мастерс» деб ном олган мазкур беллашувда энг кучли деб топилган йигитлар иштирок этадилар.

Сателлит турнирининг «Президент кубоги» мусобақасидан олдин ўтказилиши анъанавий бўлиб қолди. Бу йил теннис ихлосмандлари август ойининг охири ва сентябрь бошларида бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўладилар.

СУРАТЛАРДА: «Буюк ипак йўли» Сателлит халқаро теннис турнири мусобақаларидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Алимурод МАМАДАМИНОВ.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент—ГСП, Матбуотчилар кўчаси—32.
Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А—2 форматда, 10.000 нусхада чоп этилади.

Буюртма Г.—0187. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.